

ЖАМИЯТНИНГ 2016 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ БАХОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА:	
<p>“Ишонч ЛТЖ” МЧЖ томонидан 2017 йил 24 мартдаги №3-сонли хати билан жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисобот, хулоса ва корпоратив бошқарув тизимини самарадорлигини ошириш бўйича тасиялар тақдим қилинди.</p> <p>Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари “юқори” бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланган саволнома асосида 633 балл, яъни 53%.</p> <p style="text-align: center;">Баҳолаш натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди:</p>	
Кодекс тавсияларига риоя қилинмаган йўналишлари	Тушунтиришлар
<p>Ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари тоифасига киритишнинг аниқ мезонлари аниқланмаган</p>	<p>Жамият кузатув кенгашининг навбатдаги мажлисларида “Qo’qonspirt” АЖда «Ахборотни конфиденциал ва тижорат сирли тоифасига киритишнинг мезонлари тўғрисида»ги Низомини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш режалаштирилди.</p>
<p>АЖнинг таркибига кирувчи ёки у акциядори (таъсисчиси) бўлган ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўзининг вакиллариини жамият номидан овоз бериши тартиби аниқланмаган</p>	<p>Жамият кузатув кенгашининг навбатдаги мажлисларида “Qo’qonspirt” АЖда «Жамият акция эгаси (иштирокчиси) бўлган жамиятларнинг бошқарув органларида жамият вакиллариининг жамият номидан овоз бериш тартиби тўғрисида»ги Низомини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш режалаштирилди..</p>
<p>Жамиятнинг узоқ муддатли стратегияси тасдиқланмаган</p>	<p>Жамиятда ўрта муддатли стратегия тасдиқланган. Узоқ муддатли стратегиянинг асоси бўлган муҳим иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган махсулот ишлаб чиқариш балансига бевосита боғлиқлиги сабабли жамиятнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш имкони йўқ.</p>
<p>Ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг жамият сайтида инглиз тилидаги таржимаси билан эълон қилиниши таъминланмаган.</p>	<p>Ички корпоратив ҳужжатларни инглиз ва рус тилига таржима қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бугунги кунда ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг жамият сайтида давлат тилида эълон қилиниши таъминланган.</p>
<p>Хорижий тажрибада муваффақиятли синовдан ўтган бошқарув услублари, шу жумладан, SWOT, GAP таҳлил ва бошқа ёндашувлар, махсус дастурий махсулотлар ва бошқаларни кенг қўллаш</p>	<p>Юқорида қайд этилган услубларни қўллаш тўғрисида масала жамиятда ходимларнинг малакасини ошириш орқали қўллаш таклиф этилмоқда.</p>